



Электр энергетикаси соҳасини янада ислоҳ қилиш вазифалари белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 февраль куни электр энергетика тармоғида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва соҳани ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Электр энергетикаси иқтисодиёт ривожига ҳаёт сифатини таъминлайдиган асосий манбалардан бири. Бу тармоқда қатор камчиликлар мавжудлиги белгиланган ислохотларни самарали амалга ошириш ва мамлакатимизни инновацион ривожлантиришга ҳалақит қилаётган эди.

Шу боис, Президентимизнинг 2019 йил 1 февралдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ташкил этилди. Унга электр энергетикаси ҳамда нефть-газ соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат аҳолисини ёқилги-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш бўйича катта ваколатлар берилди.

2019 йилги Инвестиция дастурига электр энергияси тизими бўйича умумий қиймати 8,1 миллиард долларлик 33 та лойиҳа киритилган. Жорий йил қарийб 620 миллион доллар ўзлаштирилиб, 7 та йирик лойиҳа ишга туширилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари ушбу инвестиция лойиҳаларини сифатли амалга ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берди.

Масалан, халқаро молия институтлари иштирокидаги Тахياتош иссиқлик

электр станциясидан Хоразм – Саримой пунктигача 220 киловольтли электр линияларини тортиш, “Юқори кучлилиги подстанцияларни модернизация қилиш”, “Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини қуриш” лойиҳаларини амалга ошириш мuddатлари кечиккан. Шу боис, Энергетика вазирлиги ва “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига халқаро молия ташкилотлари маблағларини тўлиқ ўзлаштириш, лойиҳаларни ўз вақтида бажариб, маблағларни иқтисод қилиш вазифаси қўйилди.

Электр энергияси қувватларини модернизация қилиш ишлари талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. Тармоқда инвестиция сиёсати нотўғри ташкил этилгани, яъни тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга умуман эътибор қаратилмагани танқид қилинди. Бунинг оқибатида корхоналар қарз олиш ёки лойиҳаларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширишга мажбур бўлмоқда.

Президентимиз соҳадаги муҳим йўналишларни белгилаб берди. Хусусан, давлат-хусусий шериклик асосида муқобил энергетикани ривожлантириш, бундай лойиҳаларга чет эл инвестициялари жалб этиш имконияти катта экани таъкидланди.

Ҳозирда юртимизда қуёш ва шамол электр станциялари қуриш бўйича Туркиянинг “Йилдирим груп”, Бирлашган Араб Амирликларининг “Маздар” жамғармаси ва Халқаро молия корпорацияси билан иш олиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси, Энергетика ва

зирлиги, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига умумий қиймати 2,5 миллиард долларлик 13 та истиқболли лойиҳа бўйича хорижий ҳамкорларни аниқлаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича манзилли “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш топширилди. Соҳада давлат-хусусий шерикликни жорий этиш, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш учун хусусий ишлаб чиқарувчилардан электр энергияси сотиб олиш тартиби ва тарифларини белгилаш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, дебитор қарздорликни қайтариш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Электр энергиясини экспорт қилиш бўйича мамлакатимизнинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш, Сурхон – Пули – Хумри тармоғини қуришни тезлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 1 февралдаги қарориди “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш белгиланган эди. Давлатимиз раҳбари бу қарорда ишлаб чиқарувчи – етказиб берувчи – тақсимловчи вазифалардан келиб чиқиб, корхоналар функциясини аниқ ажратиш, соҳага бозор муносабатлари, жумладан, давлат-хусусий шерикликни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботи тингланди.

ЎзА

Ўзаро ишонч ва яқин қарашлар манфаатли ҳамкорлик сари йўл очмоқда

Аввал хабар берилганидек, 19-20 февраль кунлари Тошкентда “Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжуманнинг иккинчи кунини иштирокчилар шуъба мажлисларида Марказий Осиё давлатларининг халқаро ҳамжамият билан манфаатли алоқалари, минтақавий ҳамкорлик соҳасидаги тажрибани ўрганиш ва уни амалиётга жорий этиш истиқболлари каби масалаларга бағишланган долзарб маърузалари билан қатнашди.

Халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар вакиллари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг минтақада ўзаро ишончли мустаҳкамлаш, ривожланишдаги умумий ёндашувлар ва имкониятларни бирлаштириш борасида илгари сурган ташаббуслари, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг минтақавий ҳамкорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдаги сиёсий иродалари бугун тинчлик, ҳавфсизлик ва барқарорликни қарор топширишга ҳизмат қилаётганини таъкидлади.

– Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, мамлакатлар иқтисодиётининг келгусидаги ривожланиш йўлини белгилаб

олишда минтақа давлатларининг ўз қараш ва ёндашувлари муҳим аҳамиятга эга, – дейди Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Питер Буриан. – Марказий Осиё давлатлари ўртасида фаоллашиб бораётган доимий маслаҳатлашувлар эса бу мақсадларга қаратилган алоқаларни кенг қўламда давом эттириш ва ривожлантириш имконини беради. Тошкентда ўтказилган маъруза халқаро конференцияда Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, транзит-логистика тармоғини кенгайтириш, умумий ҳавф ва таҳдидларга қарши биргаликда курашиш масалаларини атрофлича муҳокама этилди.

Шуъба мажлислари якунида халқаро форум бўйича ташкилотларнинг хулосалари баён этилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комитов Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйи-

ча минтақавий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган халқаро анжуман ҳар томонлама фойдали мулоқотларга бой бўлганини таъкидлади. Унда 30 дан ортиқ давлат, 100 дан зиёд сиёсатшунос, таҳлилий марказлар вакиллари, олимлар, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари қатнашчилари, халқаро молий институтлари, минтақавий тузилмалар фаол иштирок этгани қайд этилди. Анжуман давомида 110 га яқин маъруза тингланди. Минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, минтақавий ҳавфсизлик, экология, сув ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, туризм, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатиш юзасидан муҳим тақдирлар билдирилди.

Анжуман қатнашчилари конференция кун тартибидидаги долзарб масалалар бўйича қарор қабул қилишга яқин ва ўқшашлигини қайд этди. Ҳамкорликнинг умумий мақсад ва устувор вазифалари ҳисобланган аҳил қўшничилик, манфаатли шерикликни фаол руҳда давом эттириш минтақа-

да барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашга ҳизмат қилиши таъкидланди. Бугунги учрашув Тошкентда жорий йилнинг апрель ойида ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги маслаҳат учрашувига тайёргарликнинг фойдали ва самарали босқичи бўлгани қайд этилди.

БМТ Бош қотибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари Наталья Герман мазкур халқаро конференция тинчлик ва барқарорликни таъминлашда янги босқични бошлаб берган ва минтақада яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашга Самарқанд руҳини олиб кирган тарихий учрашувнинг мантқий давоми эканини таъкидлади. Иштирокчи томонларни Марказий Осиё давлатларининг ўзаро фаоллашиб бораётган мулоқот ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Халқаро анжуман якунлари бўйича матбуот анжумани ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари вакилларига тадбир натижалари ҳақида маълумот берилди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ, ЎзА мухбири



Сирдарё ҳар жабҳада намуна бўлади

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида жорий йил 19 февралда Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.

Таъкидлаш жоиз, давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи ўтган йил апрел

ойида вилоят миқёсида белгилаб берилган вазифалар ижросини кўздан кечиришдан иборат бўлди.

Партияимиз учун эътиборли жиҳати, давлат раҳбари томонидан эътироф этилган муҳим лойиҳаларни амалга ошираётган аксарият ишбилармонлар электротимиз аъзолари, тадбиркорлардир.

3

УШБУ СОНДА:



ҚАШҚАДАРЁДА транспорт хизмати йўналишлари эгасизми?

6

ЎЗБЕКISTON кучли 20 таликка кира оладими?

ДУНЁНИ ҲАЛОКАТДАН ҳақиқат, яхшилик ва гўзаллик халос этиши мумкин

7

8

Ўзбекистон рейтингда 2020 йили 66-, 2021 йили 33- ва 2022 йили 20-ўринга кўтарилиши керак (шиддатга эътибор беринг!). Бу мақсадга эришиш мумкинми? Рейтингда юқори ўрин олиш бизга нима беради? Қарорнинг аҳамияти қандай? Охир-оқибат биз нимага эришамиз?



Соғлом ҳаётга қадам ташла!



2

Сирдарё ҳар жабҳада намуна бўлади

Бошланиши 1-саҳифада.

Биз қуйида уларнинг бу борадаги айрим фикр-мулоҳазаларини келтиришни лозим топдик.

Президентимиз Сирдарё вилоятига ташрифи доирасида Мирзаобод туманидаги "Бек кластер" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона томонидан ташкил этилган пахтани қайта ишлаш заводи фаолияти билан танишди. Бу ерда меҳнат қилаётган ходимлар билан мулоқот қилди.



Улуғбек Сотиболдиев, Олий Мажлис Сенати аъзоси, O'zLiDeP Сирдарё вилояти Кенгаши раиси, "Бек кластер" корхонаси раҳбари:

— Шунингдек, эътироф этишим керакки, 2018 йилда Туркиянинг "SUMER" компанияси билан ҳамкорликда фойдаланишга топширилган заводда йилга 60 минг тонна пахта қайта ишланмоқда. Корхонамизда 200 иш ўрни яратилган. Давлатимиз раҳбари ўтган йили Сирдарё вилоятига ташрифи доирасида бизнинг корхонамизда бўлиб, уни янада ривожлантириш бўйича топшириқлар берган эди.

Президентимиз қарори асосида корхонамизга 18 миң гектар ер майдони ажратиб берилди. Масъулияти чекланган жамиятга қарашли корхоналаримизда мингга яқин доимий иш ўрни яратилган. Бундан ташқари, 1 миң 800 нафар киши мавсумий ишларга жалб қилинади. Янги заводимиз пахта хомашёсини чуқур қайта ишляпти. Аҳамиятли томони, бу ерда ўрнатилган замонавий ускуналар пахта толасини сифатли қайта ишлаш баробарида, энергия тежамкор ҳамдир.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигига илмий ёндашиш доимий эътиборимизда бўлиши кераклиги, бусиз юқори ҳосилдорликка эришишнинг иложи йўқлиги, шу жиҳатдан корхонамиз томонидан илмий муассасалар билан ҳамкорликдаги ишларимизни қўллаб-қувватлаш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Президентимизга "Бек кластер" корхонамизда истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот

бериб ўтдик. Хусусан, кластер қошида давлат, хусусий шериклиги асосида коллеж очилиш режалаштирилган. Бу ерда кластерга қарашли корхоналар учун малакали мутахассислар тайёрланади.

Ҳаётимизда, Президентимизнинг вилоятимизга ташрифидан сўнг юзлаб лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида минглаб янги иш ўринлари яратилди, аҳолимиз турмуш тарзи тез суръатларда ўзгаришига олиб келади. Биз тадбиркорлар мамлакатимиз иқтисодийтини янада юқори bosқичга олиб чиқишда бор кучимизни сафарбар этамиз.

Президентимиз Ховос туманида бўлар экан, Ховос шаҳарчасининг янги маркази бунёд этилиши сирасида бир қатор истиқболли лойиҳалар билан ҳам танишди. Учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари тумандаги "GRAN RUTA DE LA SEDA" корхонаси томонидан замонавий усулда ташкил этилган гидропоника иссиқхона мажмуасини кўздан кечирди.

Рустам ЖАҲОНГИРОВ, "GRAN RUTA DE LA SEDA" корхонаси директори, тадбиркор:

— "Ҳожи Гадоийбой ота" хусусий корхонамиз 2004 йилда ташкил этилган бўлиб кўп тармоқли ҳисобланади. Деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчиликдаги ютуқларимиз айнан мана шундан бошланган. Кейинчалик бу хусусий корхона тизимида бошқалари дунёга келди. Гидропоника усулида сифатли полиз маҳсулотлари

полиз маҳсулотлари етиштиришнинг унумдорлиги шундаки, унда маҳаллий шароитдаги оддий усулдан кўра тўрт баробаргача юқори ҳосил олиши мумкин. Шунингдек, маҳсулотнинг пишиқ етилиш вақти ҳам қисқаради, ammo сифатга заҳа етмайди. Тўлиқ автоматлаштирилган тизимда иссиқхона ичидаги ҳарорат, усимликнинг сув ва озукка талаби қатъий назоратимизда бўлади ва уларни тўйинтирадиган минералларни ўз вақтида бериш имконияти туғилади. Иссиқхоналаримизда йилга бир ярим миң тоннадан зиёд помидор етиштирилиб, экспорт салоҳиятимиз кун сайин ошиб бормоқда.

Учрашув мобайнида юртбошимиз бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканини яна бир қарра таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, фаолиятимизни янада кенгайтириш, жумладан, полиз экинларини қайта ишлаш, музлаткич омборлари қуришни режалаштирганмиз.

Президентимиз иссиқхоналаримиз сонини кўпайтириш, Жанубий Корёядан келтирилиб, фойдаланилаётган замонавий технологияларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва харажатни камайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.


Равшанбек БОЗОРБОЕВ, "Сирдарё момиқ қўёнлари" фермер хўжалиги раҳбари:

— Фермер хўжалигимиз 2016 йилда ўз фаолиятини бошлади. Италия давлатидан келтирилган 1 200 бош насли қўндан 110 бошини сотиб олиб, яхши ниятда иш бошла-



етиштиришни эса 2016 йилда бошлаганмиз. 2017 йилда Президентимиз вилоятга қилган ташрифи чоғида бу ишимизга юқори баҳо бергани бизни янада илҳомлантирди. Шундан келиб чиқиб, иссиқхоналаримиз сонини янада оширишга аҳд қилдик. Гидропоника усулида

гандик. Ўтган даврда уларнинг сони 10 000 бошдан ошиб кетди. Шу қисқа фурсатда уларнинг 7 000 га яқинини республикамизнинг турли ҳудудларига етказиб бердик. Айни пайтда хўжалигимизда 3 000 дан зиёд қўён боқилмоқда.



Президентимиз учрашув чоғида келгусидаги режаларимизга катта қизиқиш билдирди. Яъни, қўёнчилик соҳаси ўта серурум бўлиб, агар иш тўғри ташкил этилса, бир бош қўён йилга 70-80 тагача кўпайиши мумкин. Биз бунга тажрибамиз мисолида яна бир қарра амин бўлдик. Эндиликда экспорт салоҳиятимизни янада кенгайтириш имкониятларимизни кўриб чиқяпмиз. Россиянинг Альянс инжиниринг компанияси билан ҳамкорликда катта лойиҳани бошлаш арафасида турибмиз. Шу йил июнь ойида сўйиш, қадоқлаш, терини қайта ишлаш маркази барпо этилади. Натижада янги иш ўринлари яратилади.

Бошқа тарафдан бедана жуда қимматли бўлиб, унча-мунчага касалликка чалинмайди, фақат жўжаси 20 кунлик бўлганига қадар нозик эътибор талаб қилади, шунини эплансангиз у ёғида ўзини тугитиб кетади.

Давлатимиз раҳбари хонадонимизга ташриф буюриб, оилавий тадбиркорлигимиз билан танишар экан, "Мана, урдаласа бўлар экан-ку!" дея рағбат кўрсатди. Келгусидаги режаларимиз билан ўртоқлашдик. Айни кунларда 200 дан ошқ хонадонда ўз тажрибамизни татбиқ қилиш, оилавий тадбиркорлик йўналишида беданачиликни янада ривожлантиришни мақсад қилганмиз.



Ўткир МИРЗАЛИЕВ, оилавий тадбиркор, Сайхунбод тумани:

— Беданачилик сердаромад соҳа. Бугунги кунда хонадонимизда 3 000 бош бедана парвартиш қилинмоқда. Унинг сердаромадлиги шундаки, масалан, парранда учун ясалган махсус қафасга 200 бош бедана сиғади. Улар бир кунда 150 донга тухум беради. Бедана тухуми бозорга улгуржи нарҳда 200 сўмдан етказилаётганидан келиб чиқсақ — бу нақд 30 миң сўм дегани! Кунлик озуксига 8 000 сўм сарфланади. Агар буни бир ой мисолида кўриб чиқсақ, 660 миң сўм соф даромад келтиради! Энди миң бош беданангиз бўлса, қанча фойда олишингизни ўзингиз чамалаб кўраверинг.

Покиза АҲМЕДЖОНОВА, O'zLiDeP Сирдарё вилояти Кенгаши раиси ўринбосари, вилоят Кенгаши депутати:

— Давлатимиз раҳбари ҳар гал бизнинг вилоятимизга ташриф буюрса, мулоҳазасиз айтимизки, биз учун ўзига хос тарихий воқеага айланади. Қуни кеча ҳам ана шундай шукҳ ҳўкм сурди Сирдарёда. Айниқса, Гулистон шаҳрида вилоятимиз ва туманлар ҳокимлари, фаоллар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда бевоқифа меннинг ўзим ҳам иштирок этиб, Президентимиз томонидан айтилган ҳар бир кўрсатма, йўл-йўриқлар, маслаҳатлардан жиддий ҳулосалар чиқардим. Негаки, у киши нафақат бизнинг вилоятимиз, балки бутун мамлакатимиз аҳли ҳаёти ва турмушига дахлдор масалалар, муаммолар хусусида атрофлича тўхталиб ўтди. Қолаверса, етакчи партия вакиласи сифатида электоратимизнинг асосий қисми тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар фаолиятига тегишли танқидий-тахлилий фикр-мулоҳазалар бизни янада фаолроқ ишлашга даъват этади деб ўйлайман. Бу борада партиядошларимиз, шунингдек, депутатларимиз керакли ҳулосаларни чиқариб олишлари лозим.

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, "XXI as" муҳбири

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида

Меҳнат қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилади

Халқнинг фикри инобатга олинган ҳолда қабул қилинган ҳужжатлар халқчил бўлади, аҳоли манфаатларини ҳимоялаш ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади. O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитасидаги навбатдаги давра суҳбати худди шу мақсадда ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан парламентдаги O'zLiDeP фракцияси ва партия Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитасидаги навбатдаги давра суҳбати худди шу мақсадда ташкил этилди.

Жанубий Корё Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамасида иштирок этдилар.

— Мамлакатимизда меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда, — деди парламент қўйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Мавлуда Хўжаева. — Масалан, биргина 2018 йилнинг ўзида бу борада давлатимиз раҳбарининг 2 та фармон ва 3 та қарори қабул қилинган аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларнинг такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ўз навбатида,



ушбу қонун лойиҳаси меҳнат ва меҳнат муҳофазаси масалалари, бандлик соҳасида белгиланган қарорларнинг таъминлаши, вояга етмаганлар фаолиятдан фойдаланмаслик, меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлашни тақиқлаш ҳамда иш берувчилар томонидан меҳнат берувчининг фуқаролик жавобгарлиги сугуртаси каби масалаларни тартибга солишни янада такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Тадбирда қайд этилгани-

дек, 2017 йил давомида ва 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида судлар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун 431 нафар шахсга нисбатан 354 та жиноят иши кўриб чиқилган. Иш берувчилар томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида 37 миңдан зиёд ҳуқуқбузарликлар содир этилган, 405 та ҳолатда квота иш ўринлари яратилмаган, 3 300 та вакант иш ўрни яширилган, иш

берувчиларнинг 355 таси фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилмаган.

Парламент қўмитаси аъзолари жойлардаги ўрганишлар ва фуқаролар билан мулоқотлар давомида ҳам иш берувчи томонидан ишга қабул қилиш тартибининг бузилиши, иш ўринларининг мажбурий аттестациясини ўтказишни рад этилган ҳолатлари маълум бўлди.

— Қонун лойиҳасида фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик ва гайриқонуний равишда ишдан бўшатганлик учун жиноий жавобгарлигини кучайтириш назарда тутилган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Ҳамдамбек Расулов. — Шунингдек, иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслик, аҳолини



иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш каби ҳолатларда маъмурий жавобгарлик кучайтирилиб, жарима миқдорини ошириш белгиланган. Қонун лойиҳасини тайёрлашда хорижий давлатларнинг, хусусан, Латвия, Эстония, Жанубий Корёя, Россия, Қозғистон, Озарбойжон, Белорусь тажрибаси ўрганилди.

Давра суҳбатида фуқароларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйинтовлаган ҳолатда жавобгарлигини кучайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Депутатларнинг таъкидлашича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини, аҳоли бандлиги ва меҳнат муҳофазаси соҳасида олишга қаратилган профилактика чораларини кучайтириш ва бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг тоғналанишига ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш имконини беради. Давра суҳбати қатнашчилари мажбурий қонун лойиҳаси юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, Шўҳрат РАҲИМОВ (суратлар), "XXI as" муҳбирлари

Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилса

биринчи навбатда ишбилармонлар манфаатдор бўлади

Партиямиз "Тадбиркорлар мулоқот форуми" лойиҳаси доирасида тизимли иш юритиб, хусусий сектор манфаатлари билан боғлиқ турли масалалар муҳокамасини ташкил қилмоқда. Қуни кеча O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари, бир қанча вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этган тадбирда асосий эътибор қонун лойиҳасининг энг муҳим жиҳатларидан бири – тендерларда иштирок этаётган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хорижий етказиб берувчиларнинг имконият ва шарт-шароитларини тенглаштириш масаласига қаратилди.

"Ўзлтехсаноат" акциядорлик компанияси раиси ўринбосари Маҳмуд Хошимов қайд этганидек, мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2018 йил 28 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги

қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ишлаб чиқилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 4 январдаги "Электротехника саноатининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан таварлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидлари доирасида ўтказиладиган тендерлар, танловларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун 20 фоизгача бўлган нарх преференцияси механизмини жорий этишни назарда тутувчи вазифалар белгилаб берилган. Маълумки, "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонун кучга кирганидан кейин давлат харидлари жараёнининг алоҳида иштирокчиларига преференциялар бериш тўхтатилди. Бу эса барча маҳаллий ишлаб чиқарув-

чилик учун тенг имкониятлар яратди. Бироқ юзага келган ҳолат чет эл корхоналари билан рақобат жараёнида маҳаллий корхоналар имкониятларини чекламоқда. Бу эса миллий маҳсулотларимизнинг нафақат дунё бозорига, балки ички бозорда ҳам ўз ўрнини топишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қолаверса, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобига ўтказиладиган халқаро тендер савдоларида ҳам преференциялардан маҳрум бўлиб қолмоқда.

Давлат маблағлари ҳисобига тендер ва танлов савдолари эълон қилинганда хорижий етказиб берувчилар иштироки ва улар билан валюта воситасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби амал қилади. Одатда бундай тендер ва танловларда божжона ҳамда солиқ тўловлари бўйича имтиёзлар назарда тутилмайди, етказиб берувчиларнинг мамлакатларида эса экспорт преференциялари тақдим этилади. Бинобарин, иштирокчилар ўртасида нархларни шакллантириш бўйича тенг шарт-шароит вужудга келмайди.

Хуллас, бундай вазият валютанинг мамлакатимиздан четга чиқиб кетишига, импорт ҳажми ошишига (масалан, 2018 йил натижалари бўйича республика ташқи савдо айланмасида мусбат салдо таъминланмаган), маҳаллий корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига, давлат бюджетига тушадиган маблағлар озайиши ва малакали кадрларнинг хорижга кетишига олиб келади. Ва аксинча, мамлакатимиз бюджет маблағлари ҳисобига хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий куч-қуввати ошади, фаолияти кенгайди, янги иш ўринлари яратилади.

Шу боисдан ҳам тилга олинган қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига кучли зарурат сезилмоқда.



Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Бекзод Ортиқов таъкидла-

ганидек, "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуннинг 64-моддасини ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи қисмлар билан тўлдириш мўлжалланяпти. Таклиф этилаётган битта қўшимчанинг мазмуни қуйидагича:



"Товарларнинг (ишлар, хизматлар) давлат харидлари доирасида ўтказилаётган тендер, танлов савдоларида хорижий етказиб берувчилар билан бирга маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар қатнашаётган бўлса, уларга 20 фоизгача нарх преференциялари тақдим этилади".

Таклиф ва тавсияларни илгари сураётганларнинг фикрича, қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар республикамиз миқёси-

да импортни сезиларли даражада камайитириш, зарур маҳсулотларни мамлакатимиз ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил қилишга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, мамлакатимиз ялпи ички маҳ-

сулоти ҳажмини ошириш, минглаб янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

Давра суҳбати якунида қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар умумлаштирилиб, парламентдаги партия фракциясига тақдим этилиши белгиланди.

O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси матбуот хизмати Шухрат РАҲИМОВ олган суратлар.

Муносабат

Мамлакатимиз иқтисодиётининг аграр секторига амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш масалалари 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим йўналишларидан саналади. Шу маънода қишлоқ хўжалиги экинларини бозор талаблари асосида етиштириш, минтақамизнинг табиий-иқлим шароитига мос, касалликларга чидамли, тезпишар, интенсив навларини яратиш ва қўлайтириш, серхосил ва юқори сифатли уруғчилик билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Уруғчилик соҳаси тубдан ўзгаради

Бу эса, ўз навбатида, уруғларни етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, сотиш ва экспорт қилиш жараёнини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни тақозо қилади.

Бугунги кунда мазкур тармоқни тубдан такомиллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар уруғларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларни жаҳон бозорига илгари суришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида олимлар ва амалиётчи мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ томонидан "Уруғчилик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат юзасидан тегишли амалий ишлар олиб борилиб, қатор муҳокамалардан сўнг парламент кўйи палатасида қабул қилинган эди. Олий Мажлис Сенатиди маъқулланган ана шу қонун мамлакатимиз раҳбари томонидан шу йилнинг 16 февраль кўни имзоланди.

Ушбу қонун бир йил давомида тайёрланди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 27 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 5 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлини устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш

чора-тадбирлари тўғрисида", шунингдек, 8 августдаги "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги тегишли фармон ва қарорларидан келиб чиқиб маромига етказилди. Палатанинг веб-сайтида кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Шунингдек, хориж тажрибаси ўрганилди.

Янги қонунда, биринчидан, уруғчилик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш, халқаро талабларга мувофиқ уруғлик категорияларини аниқлаштириш, уруғчиликнинг объекти, субъекти, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Иккинчидан, тегишли давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва jisмоний шахсларнинг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари ва уруғчилик тизимини бошқаришнинг,

учинчидан, уруғчилик соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш, жумладан, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва фойдаланиш, уруғлик экспорти учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, уруғни қўшимча қайта ишлаш ва яроқсиз ҳолга келганда йўқ қилиш, янги ҳамда истиқболли навларнинг уруғларини сертификатлаш ва экишга рухсат бериш талабларининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Қонун мамлакатимизга сифатсиз, экишга яроқсиз ва касалланган уруғлар кириб келишининг олдини олишга қаратилган нормалар билан ҳам бойитилди. Масалан, уруғларни олиб кириш ва олиб чиқиш билан боғлиқ моддага қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини импорт қилганда (бошоқли дон экинлари, ғўза ва картошка уруғлари бундан мустасно), халқаро аккредитация ташкилотлари аккредитация қилган хорижий лабораториялар натижалари тан олинади деган норма киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Уруғчилик тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши уруғчилик соҳасида олиб борилаётган тизимли ислохотларга ҳамоҳанг бўлиб, соҳанинг самардорлигини янада ошириш ва уруғларни реализация қилиш ҳамда экспорт қўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тўлқин ЭШНАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси

Депутат ишбилармонлар ҳузурида

Одамлар билан юзма-юз мулоқот қилиш, қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг макбул ечимларини излаш партиямиз депутатлари ва фаоллари олдида турган долзарб вазифалардан саналади. Зеро, ҳар бир сийёсий куч амалий ишлари билангина электорат вакиллари ишончини қозониши мумкин.

Пойтахтимизнинг Миробод туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Равшан Фозилов яқинда электоратимиз вакиллари билан навбатдаги учрашувини ўт-

казди. "Буюк Турон-1" сайлов округидаги Ат-Термизий маҳалласида бўлиб ўтган мулоқотда асосан яқка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирок этди.

Депутат ўз сўзида амалга оширилаётган солиқ ислохотлари хусусий сектор манфаатларига мос эканини ҳам алоҳида қайд этди.

– Президентимиз 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Солиқ юқини камайитириш ҳисобига барчага бир хил адолатли солиқ режимини жорий этиш, солиқ имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш лозим", дея таъкидлади, – деди партиямиз вакили. – Дарҳақиқат, баъзиларга берилган имтиёз рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётганини тадбиркорларнинг ўзлари ҳам эътироф этмоқдалар. Бу борада ҳам

иқтисодиётимиз ривожига хизмат қиладиган хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, умумий режимдаги корхоналар учун давлат мақсадли фондларига мажбурий ўтказмалар илгари 3,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йил 1 январидан бошлаб бу солиқ тури ҳам бекор қилинди. Шунинг баробарида тадбиркорлар юридик шахс сифатида фаолият кўрсатаётган бўлса, улар учун фойда солиғи ставкаси 14 дан 12 фоизга туширилди. Тижорат банклари учун фойда солиғи 22 фоиздан 20 фоизгача, дивидентларга солинадиган солиқ ставкаси 10 фоиздан 5 фоизгача камайитирилди. Ислохотлар натижасида юридик шахсларнинг мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 2 фоизгача пасайтирилгани ҳам эътиборга молик.

Хуқуқшунос, нотариус Мавжуда

Артикова нотариал тартиб-тамоийларга киритилган айрим ўзгаришлар хусусида маълумот берди, турли саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Учрашувда миллий пойабзаллар тайёрлаш билан шугулланувчи тадбиркор Рубен Яқшиянце, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ишбилармон Сардор Мирмуъинов ва бошқалар ер ажратилиши, банкдан кредит олиш, газ ва электр тармоқларига уланиш сингари масалаларда кўмак сўрадилар.

Депутат тилга олинган муаммолар ҳал қилиниши учун бор имконият ва ваколатларини ишга солишни, ҳар бир масала бўйича тизимли иш олиб бориб, бу борада тадбиркорлар билан доимий алоқада бўлишини билдирди.

Ўз мухбиримиз

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турибди

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги ишчи гуруҳлар ва партия фаолларининг жойларда электорат вакиллари билан бўлиб ўтаётган учрашувариди бир қатор долзарб муаммолар ечим топаётгани диққатга молик.

O'zLiDeP Зомин туман Кенгаши ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоларининг навбатдаги сайёр мулоқоти чекка ҳудудлардан бири – Бешкуби қишлоғи аҳолиси нима учун мобил алоқа сифатидан норозилиги сабабларини ўрганишдан бошланди. Бу масканда 900 та хонадонда 6600 дан зиёд киши истикомат қилади.

– Шиддат билан ривожланаётган бугунги кунимизни мобил телефонсиз тасаввур қилиш мумкинми, – дейди шу қишлоқда яшовчи Рустам Эшназаров. – Алоқа сифати пастлиги боис баланд жойларга чиқиб қўнғироқлашишга тўғри кел-

япти. Энг ёмони, кечки пайт ҳеч кимнинг телефони ишламайди. Ҳатто "тез ёрдам" чақиритиш мушкул ишга айланади.

Учрашувдан кейин депутатларимиз ушбу масалани назоратга олишди. Депутат сўровидан сўнггина "Ucell" компанияси Бешкубиде алоқани яхшилашга киришди.

Учрашув давомида аҳолининг турли масалалар юзасидан мурожаатлари тегишли ташкилотлар мутасаддиларига етказилди. Натижада фуқаро Феруза Худоёровага уй-жой куриш учун туман ҳокимининг қарори билан 0,6 сотих ер майдони ажратилди. 1996 йили туғилган биринчи



гуруҳ ногирони Қулфинисо Жўраевага партиянинг ҳамкор ташкилотлари томонидан 5 миллион сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатилган бўлди.

Сайёр учрашуварда аҳоли мурожаатларининг ижобий ҳал этилаётга-

ни жойларда O'zLiDePнинг мавқеи ошишига ва маҳаллий кенгашларда фаолият кўрсатаётган депутатларимизнинг сайловчилар ишончини оқлашига хизмат қилмоқда.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

Очиқ мулоқот

Давра суҳбати


Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Молия вазирлиги, Марказий банк ҳамкорлигида “Банк ва молия тизимини ислоҳ қилиш ҳамда соҳага замонавий бозор механизмларини жорий этиш” мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди. Илмий маърузалар ва муҳокамалар тарзида бўлиб ўтган тадбирда бир қанча вазирлик ва идоралар вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, журналистлар иштирок этди.



Банк-молия академияси ректори вазифасини бажарувчи Баҳриддин Бердиёров давра суҳбатини кириш сўзи билан очар экан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга ошириш давлат дастурига мувофиқ мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарувига замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланганини таъкидлади. Ана шу вазифалар сирасига банк ва

тимиз раҳбарининг тегишли қарор ва фармонлари соҳага тааллуқли айрим камчиликларни бартараф этишга имкон яратиб, мамлакатимизда тармоқ ва ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мутлақо янги тизимни шакллантирди. Хусусан, ҳокимликлар билан биргаликда ҳудудларни комплекс ва интенсив ривожлантиришда давлат бюджетига қўшимча маблағлар жалб этиш, шунингдек, табиий ва иқтисодий салоҳиятдан янада самарали фойдаланиш, ҳудудлар иқтисодиётини янги инновацион ёндашувлар асосида модернизациялаш ишлари амалга оширилади. Инновацион механизм ва воситаларнинг соҳада кенг қўлланиши ҳудудлар иқтисодиётини комплекс ривожлантиришда, маҳаллий бюджет маблағларини оширишда қўл келаётди.

Маърузачи, шунингдек, муомаладаги пул массасини инновацион бошқаришга доир мулоҳаза ва таклифларини ҳам атрафлича баён қилди.



Марказий банкнинг бошқарма бошлиғи Лазиз Абдуганиев ўз чиқишида инфляциянинг монетар омилларини минималлаштириш ҳамда банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадига кейинги икки йил мобайнида Марказий банк томонидан банк назорати ва пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганини қайд этди. Жумладан, қайта молиялаш ставкаси икки марта оширилиб, 2018 йилнинг 25 сентябридан эътиборан 16 фоизга етказилди. Шунинг баробарида 2017 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб банкларга ликвидлик тақдим этиш қайта йўлга қўйилди. Шаффофликни ошириш ва бозор муносабатларига хос фоиз ставкаларини шакллантириш учун банкларро пул

Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган “Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020–2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари”да очик бозор операцияларидан фойдаланиш белгиланган. Бунда Марказий банк тижорат банклари билан репо операциялари ўтказиш орқали ликвидликни тартибга солишни мақсад қилиб қўйган.

Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, барқарор ривожланишини ҳамда иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этишини таъминлаш, тижорат банкларининг самарадорлигини ошириш ва капиталлаштириш даражасини кўтариш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди. Улар қаторидан аҳолининг банк депозитларига қўядиган омонатлари кўпайишини рағбатлантириш, банкдан ташқари айланмада қолаётган молиявий маблағлар ва оқимларни банк айланишига жалб этиш, тижорат банкларини тўлиқ хусусийлаштириш, банк ва лизинг хизматларининг тўлақонли бозорини шакллантириш, халқаро банк ва молия капиталини кенг қўламда жалб этган ҳолда қўшма банклар ташкил қилиш, нақд ва нақдсиз пул муомаласини ҳамда ҳисоб-китоблар шаклини унификациялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарларига харидорлар талабини рағбатлантирувчи турли хил истеъмол кредитларини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиш каби қўллаб-қўлланган.



Молия вазирлиги ходими Расул Ҳамидов йўналганлар эътиборини давлат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, такомиллаштириш

Банк-молия соҳасини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари



молия тизимини ислоҳ қилиш ҳамда мазкур соҳага замонавий бозор механизмларини жорий этиш ҳам қиради. Батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, давлат маблағлари ҳисобидан имтиёзли банк кредити ажратиш амалиётини тубдан такомиллаштириш, банклардаги давлат улушини босқичма-босқич камайитириш, банк ва миқдор ўртасидаги муносабатларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, банк хизматлари сифатини ошириш мақсадига тижорат банклари фаолиятига самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI), миқдорларнинг банк хизматларидан мамнулик индекси (CSI), миқдорларнинг банк хизматларини бошқаларга тавсия этиш индекси (NPS) каби кўрсаткичларни татбиқ қилиш, маҳаллий ва халқаро банк пластик картчалари бўйича ҳисоб-китобларда банклар орасида ахборот ва технология ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида миллий банкларро процессинг марказини ишга тушириш ва бошқа талай ишларни амалга ошириш мўлжалланяпти.

– Дарҳақиқат, мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш, эркинлаштириш ва барқарорлигини ошириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир, – деди **иқтисод фанлари доктори, профессор Ашур Қодиров**. – Банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида уларнинг барқарорлигини таъминлаш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, молиявий муассасалар фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ янада такомиллаштириш, кўрсатилаётган молиявий хизматлар ҳажминини кенгайтириш ҳамда аҳолининг ишончини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Давла-

бозорида амалиётлар ўтказишга мўлжалланган ягона платформа яратилди.

2018 йил аввалида Марказий банк таркибий тузилиши янги вазифалардан келиб чиқилган ҳолда бутунлай қайтадан ташкиллаштирилгани ҳам эътиборга молик. Янги бўлинмалар ташкил қилинди, масалан, статистика ва тадқиқотлар, монетар операциялар, коммуникация ва халқаро алоқалар департаментлари иш бошлади.

Банк тизимини ривожлантиришнинг яна бир устувор йўналишларидан бири соҳада давлат банклари улушини камайитиришдир. Чунки банк секторида давлат банкларининг қўпчилиги соҳа ривожининг секинлашиши, рақобатнинг чекланиши, пул-кредит сиёсатининг трансмиссион механизми заифлашиши, йирик банклар фаолияти самарадорлигининг пасайиши сингари талай салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Уларни бартараф этиш учун ҳукуватимиз ва Марказий банк яқин истиқболда бир қанча чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ қилишни режалаштиряпти. Яъни:

Имтиёзли кредитлар бозор шарт-шароити, талаб ва таклифдан келиб чиқилган ҳолда ажратилади;

Давлат банк секторида ўз улушини босқичма-босқич камайитириш;

Ўзбекистонни ривожлантириш банки барпо қилинади ва унинг асосий вазифаси мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга қўмақлашдан иборат бўлади;

Жаҳон банки билан биргаликда молия секторини янада ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилади.

билан боғлиқ долзарб масалаларга қаратди. Мисол учун, 2009–2011 йилларда чиқарилган давлат қимматли қоғозларининг фоиз ставкалари ўртача 5,8 фоизни ташкил қилмоқда, ваҳоланки, ўша даврда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12–14 фоизга тенг бўлган. Бошқача айтганда, қимматли қоғозларнинг жозибадорлиги заиф. Амалиёт шуни кўрсатадики, доимий ва барқарор ишлаётган давлат қимматли қоғозлар бозори нафақат бюджет танқислигини қоплаш, балки мамлакат молия бозорини ривожлантириш ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу боис уни тараққий эттириш бўйича муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Молия бозори институтлари ва уларнинг ресурсларини давлат қимматли қоғозлар бозорига фаол жалб қилиш, давлат қимматли қоғозлари бозорининг жозибадорлиги ва ликвидлигини ошириш, хусусан, унинг бирламчи ва иккламчи шаклларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, давлат қимматли қоғозлари бозори учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш шулар жумласидандир.

Бошқа иштирокчилар ўз маърузаларида республикамизда иқтисодий ўсишни инновацион молиявий механизмлар орқали рағбатлантириш, мамлакатимизда инвестиция банклари институтини жорий этиш, сугурта бозорини тубдан ислоҳ қилиш, давлат харажатларини инновацион усуллар орқали қоплаш масалаларини баён этдилар.

Давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаганидек, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди каби нуфузли ташкилотларнинг ҳисоботларида юсак баҳо берилляпти. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ошяпти, ани пайтда хорижий сармоядорлар, йирик трансмиллий компаниялар, халқаро молия институтларининг юртимизга қизиқиши янада кучаймоқда.

Мулоқотда халқаро ва маҳаллий экспертлар, Банк-молия академияси ҳамда бошқа олий ўқув юрлари ва илмий тадқиқот марказлари олимлари томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқотлар маҳсули бўлган таклиф ва тавсиялар ҳам муҳокама қилинди.

Давра суҳбати якунида кун тартибидидаги масала юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли вазирликлар ҳамда O‘zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясига тақдим этилиши белгилаб олинди.

Беҳзод ИСРОИЛОВ,
“XXI as” мухбири
Шўҳрат РАҲИМОВ олган суратлар.

Маҳаллий кенгашларда

Ҳисобот депутатларни қониқтирмади

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги ййгилишида пойтахт ҳаёти билан беvosита боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди

Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига мувофиқ солиқ тизимидаги ислохотларни сифатли амалга ошириш, солиқ тўловчиларга яқиндан қўмақлашиш, янгиликларни ишбилармонларга атрафлича тушунтириш борасида аниқ режалар тарғибот тадбирлари уюштирилган. Жумладан, 9229 та ҳўжалик юритувчи субъектларга 872 нафар солиқ ходими буйруқ билан бирик-тирилиши тушунтириш жараёнининг амалий тусда кечишига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, йил бошидан буён Тошкент шаҳрининг барча туманларида жами 217 та семинар-тренинг ўтказилиб, уларга 16 973 нафар тадбиркор жалб қилинди. Туман давлат солиқ инспекциялари қошида “телеграм-бот” гуруҳлари очилган бўлиб, унга аъзо бўлган ишбилармонларга вужудга келган муаммолар юзасидан он-лайн режимда тезкор маълумот, маслаҳат ва тавсия олиш механизми яратилди. Ўтган бир ярим ойда 3999 та муурожаатга ана шу механизм орқали зудлик билан жавоб қайтарилди.

O‘zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Тўрабек Назаров олиб борган мулоқотда дастлаб 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга ошириш бўйича Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, жойларда унинг ижроси юзасидан қилинаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мулкдорлар қатлами, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари вакиллари, ишлаб чиқаришнинг юқори малакали мутахассислари ва бошқарув ходимлари, ишбилармонлар, моддий ва интеллектуал мулк эгалари ҳамда ташаббускор фуқароларни ўз сафига бирлаштириб,

Депутатлик гуруҳи ййгилишига таклиф этилганлар Президентимизнинг куйидаги фикрига қайта-қайта муурожаат қилишди: “Инвестиция бу – иқтисодиёт драйвери, иқтисо-



уларнинг манфаатларини ифодалар экан, ани йўналишдаги вазифалар O‘zLiDeP зиммасига ҳам улкан масъулият юкляйди.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиса Муурожаатномасида “Ўзбекистон тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга” деб баҳо-ланган 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном берилиши тадбиркорлик соҳасига қаратилаётган катта эътиборнинг тасдиғи, десак мулолага бўлмайди. Зотан, хорижий инвесторларни жалб этиш, улар учун қўлай инвестицион муҳит яратиш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ййгилишида Президентимизнинг 2018 йил 20 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг пойтахт туманлари кесимидаги ижроси юзасидан Тошкент шаҳар Инвестициялар бўйича бош бошқармаси бўлим бошлиғи Отабек Шукуровнинг ҳисоботи тингланди. Лекин депутатлар ҳисобдорнинг ахборотидан тўла қониқиш ҳосил қилишмади. Берилган саволларга аниқ жавоб қайтарилмагани, қўпроқ умумий фикрлар билан чекланилгани бунга сабаб бўлди.

Кун тартибидидаги кейинги масала ҳам очик мулоқот тарзида ўтди. Депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси”нинг ўзига хос жиҳатлари, солиқ тизимига киритилган янгилик ва ўзгаришлар юзасидан Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи уринбосари Шавкат Турдиевнинг ахборотини тингладим.

Маърузачининг маълумотларига кўра, пойтахтимизда қўшилган қиймат солиғини тўлаш тизимига ўтган корxonалар соми ҳозирги кунда 9860 тани ташкил этади.

диётнинг юрағи. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юсак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади”.

Ўз навбатида, Тошкент шаҳри иқтисодиётига доир яна бир янгилик – Сергели туманида 100 гектардан зиёд ҳудудда Европа стандартлари бўйича замонавий индустриал технопаркни ишга тушириш режалаштирилганига эътибор қаратилди. Бунинг инвесторлар учун қўлайлиги шундаки, барча бино-иншоотлар тўлиқ тайёр ҳолда топширилиб, зарур инфрамулоқот билан таъминланади. Ани пайтда технопаркни лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилган.

– Тошкент шаҳрида 3 миллиондан зиёд аҳоли бўлса-да, пойтахтда бор-йўғи 100 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади, – деди Тўрабек Назаров. – Қолганлари хориждан олиб келинади. Ўзбекистонда тайёрланган терилар эса хорижага чиқиб кетяпти. Демак, бу соҳада маҳаллий ишлаб чиқаришни кучайтиришимиз зарур. Биз депутатлар тадбиркорлар билан биргаликда инвесторларни ушбу соҳага жалб этишимиз лозим.

Албатта, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, муаммосиз ҳам бўлмайди. Тараққиёт йўлида оқимлар эканми, турли масалалар, катта-кичи ташвишлар учраши ҳам табиий. Бу масалаларни ечиш, камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, амалий ишларни кучайтириш – O‘zLiDeP фаоллари, партиядан сайланган депутатлар ва электорат вакилларининг асосий вазифасидир.

Ана шу мулоҳазалар билан ниҳоясига етган ййгилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан депутатлик гуруҳининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Озод РАҲАБОВ,
“XXI as” мухбири

